



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2019 йил "2" март № 212

Тошкент ш.

Тошкент давлат шарқшунослик
институтининг янги таҳрирдаги
Уставини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди саккизинчи хатбошига мувофиқ белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.Маннановга: Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставини ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказиш;

Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;

Тошкент давлат шарқшунослик институти фаолиятини мазкур Уставга мувофиқ юритилишини доимий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 3 мартдаги "Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставини тасдиқлаш ҳақида"ги 80-сон ҳамда 2014 йил 22 октябрдаги "Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 410-сон буйруқлари бекор қилинсин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари О.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.


Вазир



И.Маджидов

Тошкент шаҳар Миробод
тумани давлат хизматлари
марказида рўйхатга олинди

2019 йил “ ” _____



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
(TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI)**

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Тошкент давлат шарқшунослик институти Устави

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти (Toshkent davlat sharqshunoslik instituti) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 15 июлдаги “В.И.Ленин номидаги ТошДД хузуридаги Шарқшунослик институтини Тошкент давлат шарқшунослик институтига айлантириш ҳақида”ги 186-сонли Қарори асосида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Тошкент давлат шарқшунослик институти (кейинги ўринларда институт деб юритилади) давлат олий таълим муассаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик, илмий-методик ва бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4. Институт юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Институт жойлашган асосий манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Тошкент давлат шарқшунослик институти (Toshkent davlat sharqshunoslik instituti);

қисқартирилган номи - “ТДШИ”, “TDSHI”;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Ташкентский государственный институт востоковедения;

қисқартирилган номи – “ТашГИВ”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи - "Tashkent State Institute of Oriental Studies";

қисқартирилган номи – “TSIOS”.

II. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг асосий вазифалари

5. Институтнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, мустақил давлат фуқароси, ўз ватани фидойиси, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қиладиган, умуминсоний қадриятлар ҳамда миллий анъаналарини ҳурмат қиладиган, ватанимиз келажаги учун ҳалол меҳнат қиладиган ва виждонан пок руҳда тарбиялаш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг илмий тадқиқот ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятда ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини янада ошириш.

- талабалар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва университетнинг озиқ-овқатлар захирасидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг соғлом овқатланишини ўрнатилган тартибда ташкил этиш.

- бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ўқув ва илмий-тадқиқотларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

- талабалар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва институтнинг озиқ-овқатлар захирасидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг соғлом овқатланишини ўрнатилган тартибда ташкил этиш.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

а) Талабалар:

6. Институт ректори буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс институтнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда баҳолаш дафтарчаси берилади.

Институтга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотиغا эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари ёки касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (грант ҳамда тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга

оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

7. Институт талабалари:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

- институт ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, соҳага оид янги ўзгаришлар ва сўнги ютуқлар асосида чоп этилган миллий ва хорижий адабиётлардан, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда олий таълим муассасаси раҳбариятига, шунингдек факультет деканлари ва кафедра мудирларига билдириш ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

- институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий-амалий конференцияларда қатнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

- институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш ҳуқуқларига эга.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминландилар.

Талаба тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Алишер Навоий, Ислом Каримов номли давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга институтда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Институтнинг талабалар турар жойига мухтож талабалари институтнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган турар жой билан таъминланиши мумкин. Турар жойга мухтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, институтнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар) га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида институтнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

12. Институтда талабалар сафидан чиқарилган талаба ўқишини кўчириши, белгиланган қоида ва тартиб асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Талаба ўқишини институтдан бошқа олий таълим муассасасига кўчириш, қайта тиклаш ва талабалар сафидан чиқариш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. Институт талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари ҳамда институт Уставига, Ички тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари ва Талабалар турар жойи қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Ушбу Устав ва институт ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан чиқариш каби чоралар кўрилади.

Талаба институтдан қуйидаги ҳолларда талабалар сафидан чиқарилади:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) вафот этганлиги сабабли.

Институт маъмурияти ташаббуси (г,д,е) билан талабани талабалар сафидан чиқариш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “г” кичик бандига кўра талабалар сафидан чиқарилаётган ҳолда, олий таълим муассасасининг Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши лозим.

Талаба институтда талабалар сафидан чиқарилганда, унга шахсий хужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Касаллик пайти талаба ёки унинг ота-онаси ариза ва тегишли тиббий маълумотномани бир ҳафтадан кечиктирмасдан институт раҳбариятига маълум қилиши шарт.

Академик таътил бериш тартиби қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур Устав ва институт ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган талабаларга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган интизомий жазо чоралари қўлланилади. Жазодан норозилик хусусида қонун хужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш мумкин.

15. Институтда таълимнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолдаги ўқув шаклларида муваффақиятли ўзлаштираётган талабаларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган имтиёзлар (маош сақланган ёки сақланмаган ҳолда қўшимча таътил, институт жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл ҳақи ва бошқалар) берилади.

б) Докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилар:

16. Институтнинг докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилари бўлиб, муайян ихтисослик бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий маълумотли мутахассис ёки магистр дипломига эга бўлган ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш мақсадида диссертация тайёрлаш учун институтдаги олий таълимдан кейинги таълим босқичи – таянч докторантурага қабул қилинган шахслар – таянч докторантлар, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш мақсадида диссертация тайёрлаш учун институт докторантурасига қабул қилинган шахслар – докторантлар ҳисобланади.

Институтнинг тегишли кафедрасига бириктирилган ва фан доктори ёки илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс – мустақил изланувчи ҳисобланади.

17. Институт таянч докторантурасига олий маълумотли мутахассис ёки магистр дипломига эга олий маълумотли шахслар, докторантурага эса фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намоён эта олган шахслар уч йиллик муддатга қабул қилинадилар.

Докторантура ва таянч докторантурада ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш докторантура ва таянч докторантурадан ташқари, мустақил изланувчилик шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун мустақил изланувчиликка докторлик диссертацияси устида мустақил

изланишлар олиб бораётган, фан ва техниканинг долзарб муаммолари ҳамда назарий масалалари бўйича илмий тадқиқотлари юзасидан салмоқли натижаларга эришган, шунингдек тегишли фан ва техника соҳасида чуқур билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис дипломига ёки магистр ҳамда фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган талабгорлар қабул қилиниши мумкин.

Докторантура ва таянч докторантурага қабул қилиш, шунингдек, институтга мустақил изланувчиларни бириктириш ҳамда докторантлар ва таянч докторантлар ва мустақил изланувчиларга диссертация устида ишлаётганликлари учун имтиёзлар бериш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

в) Институтнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари.

18. Институтда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик-техника, маъмурий-хўжалик ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассицент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

19. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 246-сон қарори)

Институт проректорлари (йўналишлар бўйича) ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғига биноан лавозимига тайинланади ва озод қилинади. Факультет декани Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосида лавозимига тайинланади ва озод қилинади.

20. Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари:

- белгиланган тартибда институт ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

- институтнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда

иштирок этиш;

- институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлиналарнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- институт маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

- ўзлари ишлаётган факультет, кафедрадан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда маълумотнома тақдим этиши лозим);

- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

- назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

- талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

21. Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, институт Устави, Ички меҳнат тартиби, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазибаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

- иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфёъл муносабатда бўлиш;

- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкнамалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда бевосита иштирок этиш;

д) Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра томонидан амалга ошириладиган илмий анжуманларда фаол иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

- муассасанинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

- иш берувчига бевосита етказилган хақиқий моддий зарарни қоплаш;
- муассаса жамоатчилик ишларида қатнашиш;
- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;
- таълим олувчиларни танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;
- ўқитаётган фанини хорижий тиллар (шарқ ва ғарб тиллари) да ўтишига эришиш ҳамда замонавий ахборот технологияларидан белгиланган талаблар асосида саводхонлигини ошириб бориш;
- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни янада ошириш;
- “Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;
- ўзининг ҳулки, одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнатилган бўлиш;
- қийиниш маданиятига риоя этиш;
- республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
- муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;
- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;
- инновацион, интерактив, янги замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали ўтаётган фани бўйича сифатли ўқитишни таъминлашга эришиш;
- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;
- ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўқитиладиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;
- профессор-ўқитувчи журналида баҳоларни ўз вақтида қўйиб бориш ҳамда уларни белгиланган тартибда тўғри юритиш бўйича шахсан жавобгар эканликларини эътиборда тутиш;
- талабалар билимини янги жорий этилган талаб ва қоидалар асосида ҳолисона баҳолаш;
- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;
- талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш.

22. Институт профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

23. Институт олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркибининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

24. Институтнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари институтнинг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

Шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари ва барча ходимлари ҳамда талабалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида, мобиль телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори иловасидаги Низом бандлари талабларига риоя қилишлари лозим.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

25. Институт қуйидаги таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

- Институтга янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабалар қабул қилинган ёки мавжудларига қабул тўхтатилган тақдирда, ушбу таркибга тегишли ўзгаришлар киритилади.

26. Институт таълим икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига кўра таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура – бакалаврият йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига кўра тайёрланган муайян мутахассислик бўйича “магистр” даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

27. Институтда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, институт ректори (ўқув ва тарбиявий ишлар проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларини танлаш йўли билан институт

талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёни бирлиги давлат таълим стандартлари ва малака талаблари билан таъминланади. Институтнинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спортга оид тadbирларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

Институт ректори узрли сабабларга кўра ёки хизмат сафарида бўлганда ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор институтда чиқариладиган ички буйруқлар ва бошқа ҳужжатларга институт ректори билан келишилган ҳолда имзо қўйиш ваколатига эга.

28. Институтда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс иши бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси белгиланган.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 40 дақиқалик танаффуссиз қўшма маъруза академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбиявий ишлар ўзбек, рус, инглиз ҳамда бошқа ўрганилаётган хорижий тилларда олиб борилади.

29. Институтда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки ва сиртқи) олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандартлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан тасдиқланадиган малака талаблари қўлланилади.

30. Институтда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши (рейтинг, баҳолаш) тизими асосида назорат қилинади ва баҳолаб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

31. Институтда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуallasштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

2) Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

а) Таянч докторантура ва докторантура:

07.00.03 – Жаҳон тарихи

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

08.00.01 – Иқтисод назарияси

08.00.09 – Жаҳон иқтисодиёти

09.00.03 – Фалсафа тарихи

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари

Институтга янги мутахассисликлари бўйича таянч докторант ва докторантлар қабул қилинган ёки мавжудларига қабул тўхтатилган тақдирда, ушбу таркибга тегишли ўзгаришлар киритилади.

32. Институтда олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати”га мувофиқ тегишли вазирлик (идора) рухсати асосида таянч докторантура ва докторантура орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун институтга изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид муносабатлар ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган олий ўқув юртидан кейинги таълим фаолиятини тартибга соладиган тегишли Низом асосида амалга оширилади.

Институтда 10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти; 10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти; 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик; 10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисосликлари ҳамда 23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари ихтисослиги бўйича илмий даражалар берувчи 2 та Илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

33. Институт профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февраль 25-сонли Қарорига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетларида ўз малакаларини оширадilar.

34. Институт Кенгашининг тематик режалари бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, таянч докторант ва докторантларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари.

V. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг таркиби¹

35. Институтнинг таркибига қуйидагилар киради:

а) факультетлар:

1. Шарқ филологияси;
2. Хитойшунослик;
3. Кореяшунослик;
4. Тарих ва фалсафа;
5. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсати.

б) кафедралар:

1. Араб филологияси;
2. Эрон-афғон филологияси;
3. Туркий тиллар;
4. Япон филологияси;
5. Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё тиллари;
6. Мумтоз филология;
7. Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти;
8. Таржимашунослик;
9. Хитой тили ва адабиёти;
10. Хитой сиёсати ва тарихи;
11. Педагогика ва психология;
12. Корейс филологияси;
13. Корея иқтисодиёти ва сиёсати;
14. Корея тарихи ва маданияти;
15. Инглиз тили;
16. Шарқ мамлакатлари тарихи ҳозирги замон муаммолари;
17. Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги;
18. Шарқ фалсафаси ва маданияти;
19. Ижтимоий фанлар;
20. Ғарбий Европа тиллари;
21. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти;
22. Халқаро иқтисодий муносабатлар;
23. Жаҳон сиёсати ва ҳақаро муносабатлар;
24. Иқтисодиёт назарияси;
25. Математика ва ахборот технологиялари.

в) бошқарма:

1. Ишлар бошқармаси.

¹ Институт факультетлари, кафедралари, бўлим ва бўлинмалари таркибига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ўзгаришлар рўйхати илова этилади.

2) бўлимлар:

1. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими;
2. Мониторинг ва ички назорат бўлими;
3. Ходимлар бўлими;
4. Матбуот котиби;
5. 1 ва 2-бўлимлар;
6. Юрисконсулт (катта юрисконсулт);
7. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими;
8. Режа-молия бўлими;
9. Бухгалтерия;
10. Ўқув-услубий бўлим;
11. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими;
12. Магистратура бўлими;
13. Сиртқи бўлим;
14. Психолог;
15. Талабалар турар жойи;
16. Халқаро ҳамкорлик бўлими;
17. Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими;
18. Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими;
19. Ахборот технологиялар маркази;
20. Ахборот-ресурс маркази;
21. Тахририй-нашриёт бўлими;
22. Илмий инновацион ишларни тижоратлаштириш бўйича бўлим;
23. Босмахона;
24. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
25. Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
26. Ўқитишнинг техник воситалари бўлими;
27. Бош муҳандис;
28. Девонхона ва архив бўлими;

Институт қошидаги Юнусобод ҳамда Олмазор академик лицейлари фаолият юритади.

VI. Тошкент давлат шарқшунослик институтини бошқариш

36. Институтни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва институт Кенгаши, Жамоатчилик кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

37. Институтни бевосита бошқариш амалдаги қонунчиликка мувофиқ ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор институт фаолиятига, шунингдек, институтнинг Ички тартиб қоидалари, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ институт номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, институтнинг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида институтнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради ва буйруқлар чиқаради.

Ректор институтнинг ваколати доирасида:

- институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- бўйсунувчи вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

- институт проректорлари (йўналишлар бўйича) ваколатларини белгилайди ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди. Институтда бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, тузилмаларнинг фаолияти учун жавобгарлигини белгилайди;

- Давлат таълим стандартлари ҳамда малака талаблари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этади ҳамда институтда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлайди;

- профессор-ўқитувчилар, илмий-педагогик ходимлар ва бошқа ходимлар билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади ва бекор қилади;

- Институт таркибий бўлимлари ва марказлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- Институтнинг ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

- Институт ваколатига кирадиган масалалар бўйича турли шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 25 декабрда 296-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ институт бюджети маблағлари ҳисобидан ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимчаларни белгилайди, хорижий тил билгани ва уни амалда қўллаганлиги учун профессор-ўқитувчиларнинг асосий маошига белгиланган тартибда кўшимча ҳақ тўлайди;

- Институт ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, институт тизимининг алоҳида ўртак кўрсатган ходимларини унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга таклиф киритади;

- Таълим жараёнини бошқариш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ваколатли органлар томонидан белгиланган бошқа вазифалар ижросини таъминлайди.

Ректорга ўзи ишлаётган олий таълим муассасаси ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди.

38. “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ институтда олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар (лавозимига кўра), факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва институт ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан. Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

Институт Кенгаши қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

- Институт фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, институт тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан самарали назорат ва мониторингни амалга ошириш, уларни амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек малакали шарқшунос кадрларни, илмий, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларни малакасини ошириш бўйича ушбу Уставда белгиланган асосий вазифаларни амалга оширади;

- Юқори турувчи идоралар қарорлари ҳамда топшириқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун институт раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш;

- Кенгаш институт ваколатига таалуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

- Кенгаш унинг мажлисида таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

- Кенгаш қарорлари институт ректори буйруқлари билан амалга оширилади.

Институт фанлар ихтисосликлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашлар фаолиятини ташкил этади.

Институт қошида Конфуций номли ўзбек-хитой институти ва Тил, таржима ва консалтинг маркази хўжалик ҳисобидан, ўз Устави ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритади.

VI. Институтнинг жамоат ташкилотлари

39. Институтда Жамоатчилик кенгаши институтни бошқарувчи жамоатчилик органи сифатида ташкил этилади ва унинг таркибига институт раҳбар ходимлари,

талабалари, Ёшлар иттифоқининг институт фаоллари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Жамоатчилик кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Жамоатчилик кенгаши тўғрисида” ги Низом билан тартибга солинади.

40. Институтда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг институтда сайланган органлари амалга оширади.

Институтда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник тўғараклар, ёш иқтидорли олимлар клублари ва бошқа жамоат ташкилотлари ташкил этилиши мумкин.

Жамоат ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан рўйхатдан ўтган органга ва институт Кенгаши ва Васийлик кенгашига ҳисобот беради.

VII. Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

41. Институтга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, институтнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

Институтга ажратилган ер участкалари муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

42. Институт жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, институт фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мулкий объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

43. Институт мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом мувофиқ ўзига бириктирилган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёни сифатини янада ошириш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

44. Институт таълим фаолиятини молиявий таъминлаш ишларини давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва

тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

45. Институт асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим консалтинг ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириши мумкин ҳамда институт шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши лозим.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консалтациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институтнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўрнатилган тартибда институт қошида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш курслари ташкил этилади.

Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

46. Институт тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

47. Институт таълим соҳасига оид масалалар юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этади, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан кўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Институт хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар ва бошқа бўлинмалар) ни амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиши мумкин.

48. Институт амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибга мувофиқ халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

49. Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек институтнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

IX. Яқуний қоидалар

50. Институтни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ҳамда қайта ташкил қилиш ёки тугатиш қонунга мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

51. Институт Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган ҳолда киритилади.

РЕКТОР

А.М.МАННОНОВ